

# Жаҳолатга қарши маърифат

// 14 dekabr 2023 йил

<https://pda.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/zaholatga-qarshi-marifat>



"Деҳқонобод калий заводи" АЖда "Ўзкимёсаноат" АЖ бошқаруви раиси маслаҳатчиси Санобар Абдурахмонова, Деҳқонобод тумани ҳоким ўринбосари М.Йўлдошева ва жамият ишчи-ҳодимлари иштирокида "Жаҳолатга қарши маърифат" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.



[dehkanabadpotashplant](https://www.facebook.com/dehkanabadpotashplant)



[uz-potash.uz](http://uz-potash.uz)



(+99875) 612-50-05



Сухбат давомида ибратли видеоролик қўйиб берилди, ундан ташқари оилада фарзанд тарбияси, уларни ёт ғоялардан ҳимоя қилиш, китобхонликка жалб этиш ота-оналар зиммасидаги масъулиятли вазифа эканлиги айтиб ўтилди ҳамда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш хусусида сўз юритилди.

Давра суҳбати сўнгида таркибий бўлинма ва цехларда фаолият юритаётган хотин-қизларни мурожаатлари, таклифлари тингланди ва келгусида ечимига эътибор қаратилиши таъкидлаб ўтилди.

**“Деҳқонобод калий заводи” АЖ Матбуот хизмати**